

# Ислом Нури

## Маколалар

### *Исломда дўст ва душман тушунчаси*

Муаллиф: Солих ибн Фавзон

#### Мукаддима

Аллох таолога хамду санолар, Расулуллохга, у зотнинг ахли-оилалари ва асхобларига хамда хидоятга эргашган барча мўминларга салоту саломлар бўлсин!

Албатта Аллох ва расулини яхши кўриш билан бирга, Аллохнинг дўстларини яхши кўриш ва душманларини ёмон кўриш хам лозим бўлади.

Хар бир мусулмоннинг ислом ахлини дўст билиб, душманларини душман тутиши исломий акида асосларидандир. Бу тавхид ва ихлос ахлини яхши кўриб уларни дўст тутиш ва ширк ахлини ёмон кўриб, уларни душман тутиш демакдир. Биз эргашишга буюрилган Иброхим соллаллоху алайхи ва саллам ва издошларимизнинг йўли мана шудир.

**"Сизлар учун Иброхим ва у билан бирга бўлган кишиларда (уларнинг кофирларга килган муносабатларида) гўзал намуна бордир. Эслангиз, улар ўз кавмларига: "Дархакикат, бизлар сизлардан ва сизлар Аллохни кўйиб ибодат килаётган бутларингиздан безормиз. Бизлар сизлар (ишониб ибодат килаётган бут-санамлар)ни инкор этдик. Токи сизлар ёлгиз Аллохга иймон келтиргунларингизгача сизлар билан бизнинг ўртамизда мангу адоват ва ёмон кўриш зохирдир",- дедилар".**<sup>[1]</sup>

Бу Мухаммад соллаллоху алайхи ва салламнинг динидир.

**"Эй мўминлар, яхудийлар ва насронийларни дўст тутмангиз! Уларнинг баъзилари баъзиларига дўстдирлар. Сизлардан ким уларга дўст бўлса, бас, у ўшалардандир. Албатта, Аллох золим кавми хидоят килмас".**<sup>[2]</sup>

Юкоридаги оят ахли китобларни дўст тутмокнинг харомлиги хакида эди. Барча кофирларни дўст тутмокнинг харомлиги хусусида Аллох таоло айтади:

**"Эй мўминлар, Менинг душманим ва сизларнинг душманларингиз (бўлган мушриклар)ни дўст тутманглар!".**<sup>[3]</sup>

Мўминга, хатто энг якин кариндоши бўлса хам - кофирни

дўст тутиш харомдир.

**"Эй мўминлар, агар иймондан куфрни афзал билсалар, ота-оналарингиз ва ака-укаларингизни (хам) дўст тутмангиз! Сизларнинг ичингизда кимда-ким уларни дўст тутса, (яъни уларни деб иймондан куфрга кайтса) бас, улар золимлардир".**<sup>[4]</sup>

**"Аллохга ва охират кунига иймон келтирадиган кавмнинг Аллох ва Унинг пайгамбари чизган чизикдан чиккан кимсалар билан – гарчи улар ўзларининг оталари ёки ўгиллари ёки ога-инилари ёки кариндош-уруглари бўлсаларда – дўстлашаётганларини топмассиз".**<sup>[5]</sup>

Дархакикат кўпчилик бу муҳим коидани билмайди. Хатто баъзи илмли ва даъватчи кишиларнинг *"Насоролар бизнинг биродарларимиз"*, - деяётганларини эшитиш мумкин. Одамлар бу сўзнинг динлари учун қандай хатарли эканини тушинсалар эди!

Аллох таоло мўминларни дўст тутишни ва яхши кўришни вожиб қилди.

**"Сизларнинг дўстингиз фақат Аллох, Унинг пайгамбари ва таъзим-тавозеъ қилган холларида намозни тўқис адо этадиган, закотни (ҳақдорларга) ато этадиган мўминлардир. Кимки Аллохни, Унинг пайгамбарини ва мўминларни дўст тутса (нажот топгай), зеро фақат Аллохнинг хизби-гуруҳигина голиб бўлгувчидир".**<sup>[6]</sup>

**"Мухаммад Аллохнинг пайгамбаридир. У билан бирга бўлган (мўъмин)лар кофирларга қахрли, ўз ораларида (мўъминлар билан) эса раҳм-шафқатлидирлар".**<sup>[7]</sup>

**"Мўминлар ҳеч шак-шубҳасиз ога-инилардир".**<sup>[8]</sup>

Мўминлар – насл-насаблари, ватанлари ва замонлари узок яқинлигидан қатъий назар – диндош биродардирлар.

**"Улардан кейин дунёга келганлар айтдилар: "Парвардигоро, Ўзинг бизларни ва бизлардан илгари иймон билан ўтган зотларни мағфират қилгин ва қалбларимизда иймон келтирган зотлар учун бирон гиллу гаш қилмагин. Парвардигоро, албатта Сен меҳрибон ва раҳмлидирсан".**<sup>[9]</sup>

Одам соллаллоху алайҳи ва салламдан бошлаб то Киёматга қадар мўминлар — замонлари ва ватанлари узоклигидан қатъий назар — бир-бирларини яхши кўрувчи биродардирлар. Уларнинг кейин келганлари аввал ўтганларга эргашадилар ва бир-бирлари учун дуо қилиб, истиғфор айтадилар.

## **Мухаббат ва нафрат турлари**

**Кофирлар билан дўстлашиш нималарда кўриниши мумкин?**

1. Кийиниш, сўзлашиш ва бошка нарсаларда ўзини кофирларга ўхшатиш. Чунки бу хислатлар яхши кўриш аломатидир.

Пайгамбар саллаллоху алайхи ва саллам айтдилар:

**"Кимки ўзини бирон кавмга ўхшатса, бас, у - ўшалардан"**. (Абу Довуд ривояти)

Кофирларга хос бўлган одат, ибодат ва хулklarда уларга таклид килиш – харом. Масалан: сокол олиш, мўйловни узун килиб кўйиш, уларга ўхшаб кийиниш, еб-ичиш ва хакозо.

2. Динини саклаб қолиш учун муслмонлар юртига хижрат килмасдан кофирларнинг шаҳарларида яшаш.

Чунки дин учун хижрат килиш вожибдир. Куфр шаҳарларида яшаш уларни дўст тутишни билдиради.

**"Албатта (муслмонлар билан бирга хижрат килмасдан кофирлар кўл остида яшашга рози бўлиш билан) ўз жонларига жабр килган кимсаларнинг жонларини олиш чогида фаришталар уларга; "Кандай холда яшадингиз?"- деганларида; "Биз бу ерда чорасиз бечоралар эдик", дедилар. (Шунда фаришталар); "Хижрат килсанглар Аллохнинг ери кенг эди-ку?! (Нега дину иймонларингиз йўлида бу юрдан хижрат килмадинглар?)"- дейишди. Бундайларнинг жойлари жаханнамдир. Кандай ёмон жойдир у! Факат бирон чора топишга кодир бўлмай, хижрат йўлини истаб топа олмай чорасиз колган (кекса ёки ногирон) кишилар, аёллар ва болалар борки, бундайларни шояд Аллох афв этса. Зотан, Аллох афв этгувчи, магфират килгувчи бўлган зотдир".<sup>[10]</sup>**

Факат Аллохга даъват килиш, исломни ёйиш каби диний манфаат ёки чорасизлик важидан кофир юртида яшаб туриш мумкин.

3. Саёхат ва кўнгил хушлик учун куфр шаҳарларига сафар килиш.

Куфр шаҳарларига сафар килиш – харом. Факат даволаниш, тижорат ва фойдали касб-хунар ўрганишдек зарурий холатлар бундан мустасно. Зарурат битгач дархол муслмонлар шаҳрига кайтиш вожиб.

Мўмин киши сафарда динини зохир килиши, исломи билан азиз бўлиши, нопок жойлардан узок юриши ва душманларнинг хийлаларидан огох туриши шарт. Албатта, Аллох динига чакириш ва исломни ёйиш учун ҳам куфр шаҳарларига сафар килиш мумкин.

4. Муслмонлар зиёнига кофирларга ёрдам бериш, уларни макташ ва химоя килиш.

Бу исломни бузадиган муртадлик сабабларидандир. Аллох асрасин!

5. Кофирлардан ёрдам сўраш, уларга муслмонлар тақдирига алоқадор бўлган мансабларни ишониб топшириш ва уларни сирдош килиб олиш.

**"Эй мўминлар, ўзларингдан бошкаларни (яъни, гайридинларни) сирдош-дўст тутманглар! Улар сизларга зарар етказишда кучларини аямайдилар ва сизларнинг кийинчилик-машаккатларга тушишингизни орзу киладилар. Уларнинг сизларни ёмон кўришлари огизларидан ошкор бўлди. Дилларидаги адоватлари эса янада каттарокдир. Агар ақл юргизсангизлар сизлар учун оят-аломатларни аниқ равшан килиб бердик. Хой(мўминлар), сизлар уларни яхши кўрасизлар-у, улар сизларни суймайдилар. Сизлар ҳамма китобларга иймон келтирасизлар-у (улар сизларнинг китобингизга иймон келтирмайдилар). Сизларга йўликканларида; "Иймон келтирдик", дейишади. Ўзлари холи қолишганда эса сизларни каттик ёмон кўрганлари сабабли бармоқларини тишлайдилар. (Эй Мухаммад соллаллоху алайхи ва саллам, уларга); "Шу адоватларинг билан ўлиб кетинглар!"- деб айтинг! Албатта Аллох дилларни эгаллаган сирларни билгувчидир. Агар сизларга бирон яхшилик тегса, бу уларни хафа килади. Агар сизларга ёмонлик етса, бундан улар хурсанд бўладилар".<sup>[11]</sup>**

Бу ояти карима кофирларнинг сирларини, муслмонларга нисбатан бўлган нафратларини ва муслмонларнинг зарарига килаётган макр - хиёнатларини очиб беради. Кофирлар муслмонларга хар қандай йўл билан бўлсин, озор етказишга интиладилар. Муслмонлар ишончига кириб олиб, уларга зарар етказиш режаларини тузадилар.

Абу Мусо Ашъарий разияллоху анху айтдилар: «Мен Умар разияллоху анхуга:

- Мени насроний котибим бор, - деб айтдим. Умар разияллоху анху айтдилар:

- Сенга нима бўлди, Аллох халок қилгур, Аллохнинг: **"Эй мўминлар, яҳудий ва насронийларни дўст тутмангиз! Уларнинг баъзилари баъзиларига дўстдирлар"**- деган сўзини эшитмаганмисан?! Ишончли мўминни олсанг бўлмасмиди?

- Эй амирул-мўминин, ёзиши – менга, дини – ўзига.

- Мен уларни хурмат қилмайман ва эъзозламайман, чунки Аллох уларни хор қилиб қўйган. Уларни яқинлаштирмайман, чунки Аллох уларни узоклаштириб қўйган".<sup>[12]</sup>

Пайгамбар саллаллоху алайхи ва саллам Бадр газотига чиққанларида бир мушрик у кишига эргашди ва Харро деган жойга етганда:

- Сиз билан бирга бориб, ўлжадан улуш олмоқчиман- деди.

- **Аллох ва расулига иймон келтирасанми?**- дедилар

Расулulloх соллаллоху алайхи ва саллам.

- Йўк- деб жавоб берди.

Шунда Расулulloх соллаллоху алайхи ва саллам:

**- Кайтиб кетавер, мушрикнинг ёрдами керакмас,-**  
дедилар.<sup>[13]</sup>

Демак мўминларнинг ишларини кофирларга топшириб кўйиш харом экан. Чунки кофирлар мўминларнинг ахволлари ва сирларидан вокиф бўлиб, уларга зарар етказишга ҳаракат қиладилар.

Ҳозирги пайтда мусулмонларнинг шаҳарларига, хатто Макка ва Мадинага кофирларни олиб келиш кўпайди. Кофирлар ишчи, хайдовчи, хизматчи ва тарбиячи бўлиб ишляптилар. Натижада уларнинг оилалари мусулмонларнинг оилалари билан аралашиб кетяпти.

**6.** Йиллар, ойлар ва кунларни белгилашда кофирларнинг саналаридан фойдаланиш. (Милодий санага ўхшаш).

Милодий сана Масих соллаллоху алайхи ва салламнинг тугилган кунларини эслашдан иборат. Бу санани кофирлар ўзларича тўкиб олишган. Ушбу санани ишлатиш кофирларнинг шиор ва байрамларини тирилтиришга ёрдам беришдир.

Саҳобийлар Умар разияллоху анху даврларида мусулмонлар учун сана белгилаганларида кофирларнинг саналаридан юз ўгирдилар. Улар Расулulloх соллаллоху алайхи ва салламнинг хижратларини сана қилиб белгиладилар.

**7.** Гайридинларнинг байрамларида иштирок этиш, ўтказишга ёрдам бериш ва байрам муносабати билан табриклаш.

**"Улар (яъни Раҳмоннинг суюкли бандалари) ботил ва харом ишларга катнашмайдилар".<sup>[14]</sup>**

Муфассирлар бу оятни; "Раҳмоннинг суюкли бандалари кофирларнинг байрамларига катнашмайдилар"- деб тафсир қилдилар.

**8.** Ботил ақидалари ва бузук динларига қарамасдан кофирлар маданиятини макташ, хулқлари ва маҳоратларини ёктириш.

**"Сиз кўзларингизни Биз (кофирлардан айрим) тоифаларини фитнага солиш учун баҳраманд қилган – ҳаёти дунё гўзалликларидан иборат нарсаларга тикманг! Парвардигорингизнинг ризки яхшироқ ва боқийроқдир".<sup>[15]</sup>**

Албатта, мусулмонлар саноат, мубоҳ бўлган иқтисодни тиклаш ва ҳарбий билимларни ўрганишга буюрилганлар. Бу ерда гайридинларнинг кўфр одатларини ёктириш ва ботил ишларида уларга тақлид қилиш қораланган.

**"(Эй мўминлар), улар учун имконингиз борича қуч-**

**кувват таёрлаб кўйингиз".**<sup>[16]</sup>

Бу манфаатлар ва борлик сирларини кашф этиш аслида мусулмонлар учундир.

**"Айтинг** (эй Мухаммад соллаллоху алайхи ва саллам): **"Аллох бандалари учун чикарган безак (либосларни) ва халол-пок ризкларни ким харом килди?!"** Айтинг: **"Улар** (яъни, безак ва халол ризклар) **хаёти дунёда иймон эгалари учун** (бўлиб, кофирлар ҳам уларга шерик бўлур), **Киёмат кунида эса факат** (мўминларнинг) **ўзларига хосдир".**<sup>[17]</sup>

**"У Ўз томонидан** (яъни, Ўз хохиш-иродаси билан) **сизларга осмонлардаги ва ердаги барча нарсаларни бўйсундирди".**<sup>[18]</sup>

**"У шундай зотки, сизлар учун ердаги барча нарсани яратди".**<sup>[19]</sup>

Мусулмонлар барча фойдали сохаларда илгор бўлишлари ва бу илмларда кофирларга карам бўлмасликлари лозим.

**9.** Кофирларнинг исмларини олиш.

Баъзи бир мусулмонлар фарзандларига ажнабий исмларни кўядилар. Мусулмонларнинг исмлари уларга кифоя килмасмикан?!

Пайгамбар соллаллоху алайхи ва саллам: **"Исмларнинг яхшиси Абдуллох ва Абдурахмондир"**- дедилар.

**10.** Кофирларга истигфор айтиш ва мархамат кўрсатиш.

**"На пайгамбар ва на мўминлар, — агар мушриклар кариндошлари бўлса ҳам — уларнинг дўзах эгалари эканликлари аник маълум бўлганидан кейин, у мушриклар учун магфират сўрашлари жоиз эмасдир".**<sup>[20]</sup>

Чунки бу уларни яхши кўриш ва килаётган ишларини тўғри деб тан олиш демакдир.

## **МЎМИНЛАР БИЛАН ДЎСТЛАШИШ КЎРИНИШЛАРИ**

### **(давоми бор)**

---

<sup>[1]</sup> "Мумтахана"- 4.

<sup>[2]</sup> "Моида"- 51.

<sup>[3]</sup> "Мумтахана"- 1.

<sup>[4]</sup> "Тавба"- 23.

<sup>[5]</sup> "Мужодала"- 22.

<sup>[6]</sup> "Моида"- 55,56.

<sup>[7]</sup> "Фатх"- 29.

<sup>[8]</sup> "Хужурот"- 10.

<sup>[9]</sup> "Хашр"- 10.

<sup>[10]</sup> "Нисо"- 97-99.

<sup>[11]</sup> "Оли-Имрон"- 118,120.

<sup>[12]</sup> Имом Ахмад ривояти.

<sup>[13]</sup> Имом Ахмад ва Муслим ривояти.

[14] "Фуркон"- 72.

[15] "Тоха"- 131.

[16] "Анфол"- 60.

[17] "Аъроф"- 32.

[18] "Жосия"- 13.

[19] "Бакара"- 29.

[20] "Тавба"- 113.

# Ислом Нури

## Маколалар

### МЎМИНЛАР БИЛАН ДЎСТЛАШИШ КЎРИНИШЛАРИ

#### 1. Куфр шаҳарларидан ислом юртларига хижрат килмок

Хижрат деб — динини сақлаш мақсадида куфр диёридан ислом диёрига кўчишга айтилади. Шу мақсадда хижрат қилиш ҳар бир мусулмонга вожиб бўлиб, ушбу ҳукм то Киёматга қадар боқийдир.

Расулulloх саллаллоху алайхи ва саллам мушриклар орасида яшайдиган мўминлардан пок-безор эканликларини эълон қилганлар. Шу боис, мусулмон кишига кофирлар ўлкасида яшаш ҳаром. Фақат хижратга қодир бўлмаган ёки Аллох йўлига даъват қилиш, исломни ёйиш каби диний ишлар учун куфр диёрида истикомат қилишга мажбур бўлган кишиларга хижрат қилмасликка руҳсат этилади.

**"Албатта (мусулмонлар билан бирга хижрат қилмасдан кофирлар кўл остида яшашга рози бўлиш билан) ўз жонларига жабр қилган кимсаларнинг жонларини олиш чоғида фаришталар уларга: "Қандай ҳолда яшадингиз?"- деганларида: "Биз бу ерда чорасиз бечора эдик", дедилар. (Шунда фаришталар): "Хижрат қилсангиз Аллохнинг ери кенг эмасмиди?! (Нега дину иймонларингиз йўлида бу юртдан хижрат қилмадинглар?)"- дейишди. Бундайларнинг жойлари жаҳаннамдир, қандай ёмон жойдир у! Фақат бирон чора топишга қодир бўлмай, (хижрат) йўлини истаб топа олмай чорасиз қолган**

кишилар, аёллар ва болалар борки, бундайларни шояд Аллох авф этса. Зотан, Аллох авф этгувчи, магфират килгувчи бўлган зотдир". (Нисо: 97-99)

## 2. Мусулмонларга зарур бўлган диний ва дунёвий ишларда жони, моли ва тили билан ёрдам бермок

**"Мўмин ва мўминалар бир-бирларига дўстдирлар".** (Тавба: 71)

**"Агар улар дин йўлида сизлардан ёрдам сўрасалар, ёрдам килиш зиммангиздадир. Магар уларга ўрталарингизда (урушмаслик хакида) ахду-паймон бўлган кавмга зарар етказиш билан ёрдам килмайсиз".**(Анфол: 72)

## 3. Мусулмонларнинг кайгу-гамларига шерик бўлиб, улар кувончидан кувонмок

Пайгамбар саллаллоху алайхи ва саллам айтдилар: "Мусулмонлар бир-бирларига меҳр-мухаббат ва раҳмдилликда бир танага ўхшайди. Агар танадаги бир аъзо касал бўлса, бошка аъзолар иситма ва бедорлик билан унга шерик бўладилар".

"Мўмин мўмин учун бир-бирини мустаҳкамлаб турадиган бино кабидир". Пайгамбар саллаллоху алайхи ва саллам бармоқларини бир-бирининг орасига киргизиб, бирлаштиб кўрсатдилар.

## 4. Мусулмонларга насихат. Яъни уларга холис бўлиш ва улар учун фақат яхшиликни раво кўрмоклик

Расулulloх саллаллоху алайхи ва саллам айтдилар: **"Хеч бирингиз то ўзи учун яхши кўрган нарсани биродари учун**



**хам яхши кўрмагунича (комил) мўмин бўлолмади".**

**"Мусулмон мусулмоннинг биродаридир. Уни ҳақорат қилмайди, ёрдамсиз қолдирмайди ва душман кўлига топшириб қўймайди. Мусулмон биродарини ҳақорат қилиш кишининг ёмон бўлиши учун қифоя қилади. Ҳар бир мусулмоннинг қони, моли ва обрўси бошқа мусулмонга ҳаромдир".**

**"Бир-бирингиздан даргазаб бўлиб юрманглар, ўзаро адоват қилманглар, сотиб олиш ниятингиз бўлмаган нарсанинг баҳосини бекорга оширманглар ва бирортангиз бошқа биродарининг савдоси устига савдо қилмасин! Бир-бирларингизга худди ака-укадек бўлинглар!".**

## **5. Мусулмонларни ҳурмат қилиш ва айбламаслик**

**"Эй мўминлар, (сизлардан бўлган) бир қавм (бошқа) бир (мўмин) қавм устидан масҳара қилиб қулмасин – эҳтимол, (ўша масҳара қилинган қавм) улардан яхшироқдир. Яна (сизлардан бўлган) аёллар ҳам (бошқа мўмина) аёллар устидан масҳара қилиб (қулмасинлар) – эҳтимол, (ўша масҳара қилинган аёллар) улардан яхшироқдир. Ўзларингизни (яъни бир-бирингизни) мазах қилманглар ва бир-бирингизга лақаблар тўкиб олманглар! Иймондан кейин фосиклик билан номланиш (яъни мўмин кишининг юқорида ман қилинган фосикона ишлар билан ном чиқариши) нақадар ёмондир. Ким тавба қилмаса, бас, ана ўшалар золим қимсалардир. Эй мўминлар, кўп гумон(лар)дан четланинглар! Чунки айрим гумон(лар) гуноҳдир! (Ўзгаларнинг айблари ортидан) жосуслик қилиб юрманглар ва айримларингиз айримларни гийбат қилмасин! Сизлардан бирон киши ўзининг ўлган биродарининг гўштини ейишни яхши кўрурми?! Ваҳоланки бунга ёмон кўрурсиз! (Бас гуноҳи бундан-да ортиқ бўлган гийбатни ҳам ёмон кўрингиз!) Аллоҳдан кўркингиз! Албатта Аллоҳ тавбаларни қабул қилгувчи, меҳрибон зотдир". (Хужурот: 11, 12)**

## 6. Яхши-ёмон кунларда мўминлар билан бирга бўлмок

Мунофиқлар тинч-хотиржамлик пайтларида мўминлар билан бирга бўлиб, кийин кунлар келганда ўзларини олиб кочадилар.

**"Улар (яъни мунофиқлар) сизларга кўз тикиб турадилар. Агар сизларга Аллох томонидан фатху зафар бўлса (Газотдан Галаба ва ўлжалар билан кайтсангизлар, сизларга): "Биз ҳам сизлар билан бирга эмасмидик?!", дейдилар. Агар (галаба) кофирларга насиб бўлса (уларга): "Биз сизларнинг устингизда туриб, сизларни мўминлардан химоя килган эмасмидик?", дейишади".** (Нисо: 141)

## 7. Муслмонларни зиёрат килмок ва улар билан учрашиб туришни яхши кўрмок

Хадиси кудсийда Аллох таоло: **"Менинг йўлимда бир-бирини зиёрат килувчиларга мухаббатим вожиб бўлди",**- дейди.

Бошка бир хадисда: **"Бир киши Аллох йўлидаги биродарини зиёрат килмокчи эди. Аллох унинг йўлига бир фариштани жўнатди. Фаришта ундан:**

**- Каерга кетаяпсан?"- деб сўради.**

**- Аллох йўлидаги биродаримни зиёрат килмокчиман",- деди у.**

**- Унда сенинг бирон ишинг борми?**

**- Йўк, лекин мен уни Аллох йўлида яхши кўрганман,- деди халиги киши.**

**Шунда фаришта:**

**- Мен Аллохнинг элчисиман. Биродарингни яхши кўрганингдек Аллох ҳам сени яхши кўрди",- деб айтди.**

## 8. Муслмонларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳурмат қилмоқ

Муслмон биродарининг савдоси устидан савдолашмайди ва совчиси устидан совчи қўймайди. Хуллас мубоҳ ишларда ундан олдинроқ ҳаракат қилган мўмин кишига эътироз билдирмайди, аралашмайди.

Расулulloх саллalloху алайхи ва саллам айтдилар: **"Огоҳ бўлинглар! Ҳеч ким биродарининг савдоси устидан савдо қилмасин, совчиси устидан совчи қўймасин"**. Бошқа бир ривоятда: **"Нарҳи устига нарҳлашмасин"**-дейилган.

## 9. Заифларга меҳрибон бўлмоқ

Пайгамбар саллalloху алайхи ва саллам айтдилар: **"Катталаримизга ҳурмат қўрсатмаган, кичикларимизга меҳрибон бўлмаган киши биздан эмас"**.

**"Сизларга заифларингиз туфайли ёрдам келади ва ризкланасизлар"**.

**"Сиз ўзингизни эртаю-кеч Парвардигорининг юзини истаб, Унга илтижо қиладиган зотлар билан бирга тутинг! Қўзларингиз хаёти дунё зийнатларини қўзлаб, улардан ўтиб (ўзга аҳли дунёларга бокмасин)!"**. (Қахф: 28)

## 10. Муслмонлар ҳақкига дуо қилмоқ ва истиғфор айтмоқ

**"(Эй Мухаммад саллalloху алайхи ва саллам), ўз гуноҳингиз учун ҳамда мўмин-мўминалар(нинг гуноҳлари)учун магфират сўранг!"**. (Мухаммад: 19)

**"Парвардигоро, Ўзинг бизларни ва бизлардан илгари иймон билан ўтган зотларни магфират қилгин"**. (Ҳашр: 10)

## ТАНБЕХ

**"Аллох сизларни динларингиз тўғрисида сизлар билан уришмаган ва сизларни ўз диёрларингиздан хайдаб чиқармаган кимсалардан – уларга яхшилик килишларингиздан ва уларга адолатли бўлишингиздан кайтармас. Албатта Аллох адолат килгувчиларни севар".** (Мумтахана: 8)

Яъни: Мусулмонларга зарар етказмаган, улар билан уришмаган ва уларни ўз диёрларидан кувиб чиқармаган кофирларга дунёвий ишларда адолат ва яхшилик билан муомала килинаверади. Лекин уларни яхши кўриб бўлмайди.

**"Уларга яхшилик килишингиздан ва уларга адолатли бўлишингиздан кайтармас".**

Аллох таоло "Дўст тутишингиз ва яхши кўришингиз мумкин", - демади.

**"Агар улар (яъни, ота-онанг) сени ўзинг билмаган нарсаларни Менга шерик килишга зўрласалар, у холда уларга итоат этма! Уларга (гарчи кофир бўлсалар-да), дунёда яхши муомалада бўлгин ва ўзинг менга ижобат-тавба килган кишиларнинг йўлига эргашгин!".** (Лукмон: 15)

Асмо разияллоху анхо мушрика онаси билан муомала килиш хусусида Расулulloх соллalloху алайхи ва салламдан сўради. Набий соллalloху алайхи ва саллам унга ўртадаги алокани тиклашни буюрдилар.

**"Аллохга ва охират кунига иймон келтирадиган кавминг Аллох ва Унинг пайгамбарига мухолифлик килган кимсалар билан – гарчи улар ўзларининг оталари, ёки ўгиллари, ёки ога-инилари, ёки кариндош-уруглари бўлсалар-да – дўстлашаётганларини топмассиз".** (Мужодадала: 22)

Силаи-рахм ва чиройли муомала билан яхши кўриш айри нарса. Чунки силаи-рахм ва чиройли муомала билан кофир исломга таргиб килинади. Кофирларни яхши кўриш ва уларни дўст тутиш эса улар килаётган ишларга рози бўлишдир.

Бирок кофирларни дўст тутишнинг харомлиги улар билан тижорат килмаслик, махсулот айирбошласлик ёки уларнинг тажрибалари ва ихтироларидан фойдаланмаслик дегани эмас.

Расулulloх саллалллоху алайхи ва саллам Ибн Урайкит Ал-Лайсийни йўл кўрсатувчи килиб олдилар. Вахоланки у кофир эди. Набий саллалллоху алайхи ва саллам баъзи яхудийлардан карз хам олганлар.

Мусулмонлар кофирлар билан махсулот айирбошлар эдилар. Бу савдо-сотик бобидан. Бу кофирлар мусулмонлардан афзал дегани эмас. Бу кофирларни яхши кўриш ва улар билан дўстлашиш дегани эмас.

**"Албатта, иймон келтирган, хижрат килган ва молу жонлари билан Аллох йўлида курашган зотлар ва(Маккадан хижрат килиб келган мухожирларга) уй-жой бериб, ёрдам килган зотлар – ана ўшалар бир-бирларига дўстдирлар".** (Анфол: 72)

**"Кофир бўлган кимсалар бир-бирларига хамкордирлар.** (Бас, эй мўминлар, сизлар уларни ўзингизга душман тутингиз). **Агар шундай килмасанглар** (яъни, мўминга дўст, кофирга душман бўлмасанглар), **ерда фитна ва катта фасод бўлур".** (Анфол: 73)

Хофиз Ибн Касийр ушбу оят тафсирида айтадилар: "Яъни, агар мушриклардан четланиб, мўминларни дўст тутмасанглар, инсонлар орасида фитна пайдо бўлади. Бу ишнинг чалкашиб кетиши ва мўминлар кофирлар билан аралашиб кетишидир. Натижада инсонлар орасида фасод-бузгунчиликлар таркалади".

Хозирги замонда айнан шу нарса кенг ёйилган. Аллохул-Мустаъон Аллох ёрдам сўралгувчи Зотдир.

## **КИМНИ КАНДАЙ ЯХШИ КЎРМОК ЛОЗИМ?**

**1- қисм: Факат ва факат яхши кўриш лозим бўлган инсонлар.**

Булар пайгамбарлар, сиддиклар, шахидлар ва солихлардан

иборат бўлган холис мўминлардир. Ушбу саф аввалида Расулulloх саллаллоху алайхи ва саллам турадилар. Мўмин одам Набий соллаллоху алайхи ва салламни ўзи, фарзанди, ота-онаси ва хамма-хаммадан кўпрок яхши кўриши вожиб.

Кейин мўминларнинг оналари бўлмиш Расулulloх соллаллоху алайхи ва салламнинг аёллари, ахли байтлари, тўрт халифа, жаннат башорати берилган ўн саҳоба, муҳожирлар, ансорлар, Бадр ва байъатур-ризвон катнашчилари ва бошқа саҳобаларни яхши кўриш лозим. Улардан кейин тобеинлар, фазилатли асрларда яшаганлар, умматнинг салафлари ва имомларини (тўрт мазҳаб имомларига ўхшаш) яхши кўриш шу жумладандир.

**"Улардан кейин (дунёга) келган зотлар айтурлар: "Парвардигоро, ўзинг бизларни ва бизлардан илгари иймон билан ўтган зотларни магфират килгин ва калбларимизда иймон келтирган зотлар учун бирон гилли-гаш килмагин. Парвардигоро, албатта Сен меҳрибон ва раҳмлидирсан".** (Хашр: 10)

Саҳоба ва салафи солихинларни иймонли киши ёмон кўрмайди. Уларни рофизий ва хаворижлар каби адашган тоифалар, мунофик ва дин душманларигина ёмон кўрадилар.

Аллохдан офият сўраймиз.

## **2- қисм: Факат ва факат ёмон кўриш лозим бўлган инсонлар.**

Булар кофир (насронийлар, яҳуд)лар, мушриклар, мунофиклар, муртад ва даҳрийлардан иборат кофирлардир.

**"Аллохга ва охират кунига иймон келтирадиган кавмининг Аллох ва Унинг пайгамбарига муҳолифлик килган кимсалар билан – гарчи улар ўзларининг оталари ёки ўгиллари ёки ога-инилари ёки кариндош уруглари бўлсалар-да – дўстлашаётганларини топмассиз".** (Мужодала: 22)

Аллох таоло Бани Исроилни айблаб айтади:

**"Улардан кўплари кофир бўлган кимсаларни дўст тутганларини кўрасиз. Уларга нафси хаволари нақадар**

**ёмон нарсани – Аллохнинг газабини келтирди. Энди улар абадий азобда колгувчидирлар. Агар Аллохга, пайгамбарга ва унга нозил килинган китобга иймон келтирганларида эди, уларни – кофирларни дўст тутмаган бўлур эдилар. Лекин улар кўплари итоатсиз кимсалардир".** (Моида: 80,81)

**3- қисм: Бир жихатдан яхши кўриладиган, яна бир жихатдан ёмон кўриладиган инсонлар.**

Булар гунохкор мўминлардир. Иймонлари туфайли яхши кўриладилар ва гунохлари туфайли ёмон кўриладилар.

Уларни яхши кўриш, насихат килиш ва гунохлардан кайтариш лозим. Улар килаётган гунохларга жим караб турмаслик керак. Гунохларидан тийилиб, тавба килишлари учун уларга амру маъруф ва нахй мункар килинади.

Гунохкор мўмин Хаворижлар айтганларидек ўта ёмон хам, Муржиалар айтганларидек ўта яхши хам кўрилмайди. Юкорида айтганимиздек, улар хусусида ўртача йўл тутилади. Бу ахли сунна вал-жамоанинг мазхабидир.

Аллох йўлида яхши кўриб, Аллох йўлида ёмон кўриш иймон арконларининг энг мустахкамидир. Хадисда келганидек, киши Киёмат кунида яхши кўрган кишиси билан бирга бўлади.

Бугун кўпчилик дунё учун дўстлашиб, дунё учун адоватлашадиган бўлиб колди. Мол-дунёлари кўп бўлган кишиларни - гарчи улар Аллохнинг, Унинг расулининг ва диннинг душманлари бўлсалар-да дўст тутдилар. Мол-дунёси бўлмаган кишиларни - гарчи улар Аллох ва Расулининг дўсти бўлсалар-да ёмон кўрдилар. Арзимаган сабаб учун уларни тахкирладилар.

Абдуллох ибн Аббос айтдилар: *"Кимки Аллох йўлида яхши кўриб, Аллох йўлида ёмон кўрса ва Аллох йўлида дўстлашиб, Аллох йўлида душман тутса, Аллохнинг дўстига айланади. Дархакикат, инсонларнинг кўплари дунё устида биродарлашадиган бўлиб колди. Бу биродарлик хеч қандай фойда келтирмас".* (Ибн Жарир ривояти)

Абу Хурайра разияллоху анхудан: Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам айтдилар: *"Аллох таоло айтади: -Ким Менинг валийим-дўстимга тажовуз қилса, унга қарши уруш эълон*

киламан". (имом Бухорий ривояти)

Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам айтдилар: **"Хозир бўлган киши гойиб-йўк одамга етказсин! Асхобларим хусусида Аллохдан кўркингиз! Мендан кейин уларни нишон килиб олманглар. Ким уларни яхши кўрса, менга бўлган мухаббати туфайли яхши кўрибди. Ким уларни ёмон кўрса, мени ёмон кўриши сабабли ёмон кўрибди. Ким уларга озор берса, менга озор берибди. Менга озор берган кимса эса Аллохга озор берган бўлади. Ким Аллохга озор берар экан, тезда Аллох уни (азоб билан) ушлайди. Аллох ушлаган кимса Ундан харгиз кочиб кутила олмайди".** (Термизий ривояти)

Баъзи адашган тоифалар (рофиза-шийалар)нинг наздида саҳобаларни ёмон кўриш, уларни сўкиш дин ва ақида бўлиб колди.

Аллохдан унинг газаби ва аламли азобидан паноҳ тилаймиз, гуноҳларимизни кечиришини ва офиятини сўраймиз. Пайгамбаримиз Мухаммад, аҳли-оилаларига ва асхобларига

салоту-саломлар бўлсин!